



Ўлкада рўй берган ижобий натижалар уйғур халкининг асрий орзу-армонларини рўёбга чиқариш учун катта йўл очиб берган эди. Аммо бундай ҳолнинг ички ва ташқи душманларга ёқмаслиги тарихдан маълум. Шунга асосан зулм-хиёнат билан тухмат режалари тузилди. Бу сиёсатни амалга оширишда ички томондан Бурхон [Шахидий] афанди уялмай, виждонини ва обрўини сотган ҳолда турли ёдгонларни нутқларида сўзлади, матбуотда ёзди, шахсий мавқеини саклаб қолиш ҳунарини килди.

У 1935 йилларда дубан томонидан Олтойга бориб, Шарифхонтўрани дубанга боқиндириб келди. Мана шу хизматларининг эвазига, Шарқий Туркистон халкининг манфаатини қурбон қилганлиги учун Бурхон афанди ўз мансаб-мавқеини саклаб қола олди. Дубан ва Хўжаниёзларга совет томонидан маслахатчи бўлиб келган Мансур афанди ва шунга ўхшашлар ҳар соҳанинг муҳим ўринларига ўрнашиб олиб, ҳақиқий ватанпарварларни марказдан йироқлаштириб, бошқа ёққа мансаб бериб юборган бўлиб, унинг ўрнига ўз одамларини қўйди. Хусусан, Тошкентдан ўқиб таълим олиб келганлар ҳамма соҳаларнинг муҳим ўринларини эгалладилар, жумладан, соқчи(Ички ишлар, милиция (полиция).) идораларини қўлга олдилар. Ўз мудҳиш режаларини амалга ошириш учун ҳар бир идора, ҳар бир маҳалла ва хонадонларгача жосус қўйдилар. Мактаблар биринчи навбатда жосуслар билан тўлдирилди. Халқни алдаш учун қилган ўзгаришлар йўли билан ишдан олинганларнинг ўрнига виждонсиз, жосус, шахсиятпарастлар келди. Шундай қилиб, кун ботишдан чиққан мудҳиш қора сиёсат бу ерга ҳам етиб келди. Дубан бу сиёсатни амалга оширишда Сталиннинг кўрсатмаси бўйича ҳарбий аҳамиятга

эга бўлган Шаркий Туркистонни Хитойдан ажратиб турган кун чикиш чегараси Шиншишогача тош йўл курдирди. Мазкур чегарада талабга лойик харбий иншоотлар барпо этилди. Можуйинг Кашкарни олган Махмудга ёрдам килиш бахонаси билан совет-хитой чегарасида жойлашган улугчот киргизларидан Исхоббек [Мунунов], [Абдураззок] Мавлон, Додхотлар бошлик бир микдор куролли киргизлар Махмудга келиб кўшилган. Дунганлар кочгандан кейин булар Махмудга итоат килгандай бўлиб, аскарлар орасига таркалиб жосуслик киладилар.

Исхоббек Тошкўргонда хоким, Кашкарнинг ички ишларига жосус Кодирхожи бош бўлиб, ватанпарварларни киргин килиб, турмадаги махбусларни ўт кўйиб ўлдирадур. Махмуднинг офицерларидан Тошкентта бориб ўкиб таълим олганлари бузилиб келадур. Шу орада дубандан Олтишотарга Мансур афанди тафтишчи бўлиб келиб, халк тарафидан килинган мактаб-маориф ишларини ҳукумат карамогига ўтказиб, назоратга олишни йўлга кўядур. Жумладан, матбуот органларини бошқариб турган кишиларни олиб, ўз кадрларини кўйиб, ком-мунизмчиларнинг зўравонлик ва ёлгонга асосланган матбуотини жорий киладур. Шунинг натижасида ноҳақлик ва тухматлар билан одамларни камай бошлайдур.

Маъмурий ишлар бўйича Лу силлинг сиртки куч бўлган совет сиёсатини амалга оширадур. Мана бу ишларга норози бўлган Махмуд бу зулмларга тўскинлик килиб, хар хил чоралар билан карши турадур. Аммо ички-ташки душманлар билан ўралган Махмуд кўп фикр-мулоҳазадан кейин кўлидаги харбий кувват билан сиртки кучга карши туришга кодир эмаслигини ҳисобга олиб, исён кўтармасликка тўхтаса ҳам, хакикий сирдан хабар топган ички ва ташки душманлар Махмудни турли хийла-найранглар билан кўлга олишни ўйлаб, дубан ўзи ва Хўжаниёз орқали ҳам Урумчига бир неча бор чакирадур. Борса хатарга йўликиб, бормаса ора бузилишига кўзи етиб, бошқа иложи колмагач, ўз яқинлари билан маслахатлашиб, Хиндистонга ўтиб ўз максоди йўлида ҳаракат килишга тўхтам килиб, 1937 йилнинг баҳорида ўз сафдошлари билан Кашкардан Хиндистонга ўтиб оладур. Махмуд Урумчига эмас, Хиндистонга кетгани маълум бўлиши билан аскарлар орасида гулгула чикиб, ўз ичларидан Абдуниёзни бошлик килиб, ҳукуматга итоат килишдан бош тортган холда Кашкардан Ёркентга бориб қоладурлар. Хўтанда турган Мохусанг билан бирикиб, Шиншисайга яъни дубанга карши урушга тўхтам килиб, дунган ва уйгур ислом асосида бирлашиб, Абдуниёз, Мохусанглар 1937 йил май ойларида ҳужум бошлаб, Кашкар шаҳри атрофлари билан Учтурфон, Оксув, Ободни атрофлари билан олиб, Оксувда турган дубан кучларини тор-мор килиб, Бой, Кизил, Сайрам, Кучорни эгаллаб, Урумчига ҳужум килишга тайёрланиб турадур. Бутун халк кўзголонни кўллаб-кувватлаб, ўз ихтиёрлари билан фидойи бўлиб душманга карши жанг киладилар. Кўзголонни бостириш учун дубан кўп аскар юборган бўлса ҳам кўзголончилартомонидан тор-мор килиниб, олга караб душманни йўқ килиб кетаётганда адолатсиз мустамлакачиликка карши бошланган курашни бостирмок учун совет томонидан Ортуш, Учтурфон орқали танка-аэропланлар билан куролланган аскарлар пайдо бўлиб, кўзголонни бостириб йўқ килиш максодида жон-жаҳди билан уришиб турганда, ўз вақтида Махмуднинг аскарлари орасига кирган киргиз аскарлари бўлиниб чикиб, янгидан куролланган холда Исхоббек, Мавлонлар бошчилигида кўзголончиларга орқа тарафдан ҳужумкилиб, ўзларининг мудҳиш-ёмон ниятларини амалга оширадурлар. Шу орада совет аскарлари ердан танклар билан, ҳаводан аэроплан билан бомба, пулемётдан ўқ ёғдириб, тенгсиз урушдан вахшийларча фойдаланиб, кўзголончиларни тараф-тарафга чекинишга мажбур киладур. Мохусанг йигирмалаб танк ва

самолётларнинг хужумига чидамай, Ёркентга чекинадур. Бу ерда ҳам туролмай, сентябрь ойларида Хиндистонга ўтиб кетадур. Абдуниёз мардларча туриб, фидокорона жанг килиб, натижада олтмиш мингга якин курулли ва курулсиз фидойилар шахид бўлганлар. Уларни Худо рахмат килсин! Бу ватанпарварларни уйгур халки ҳеч вақт эсдан чиқармайдур.

Шунинг билан Олтишаҳар кўзголониини советлар куч билан бостириб, уйгур халкининг қўл-оёғини бошқаларга боғлаб берди. Мундин кейин Кумулнинг харбий-мулкый бошлиғи Йўлбарс ҳам дубанга карши урушнинг фойдасиз бўлишини билиб, Ичкари Хитойга караб кочади. Йўлбарс, Махмуд, Мохусанглар Хўжаниёз инкилобидан чиққан куч бўлиб, буларнинг инкилоб жараёнида тутган ўринлари сакланиб қолган эди. Аммо уларни сиртки душман бўлган советлар ўз режаси бўйича вахшийларча бостириб таркатиб юборди.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайғуси" китобидан